



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 59 (9.709) 2002 йил 22 май, чоршанба Сотувда эркин нархда

XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика пул-кредит сисъати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.
- **Кеча** Олий Мажлисида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро палаталар қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Ўзбек тили ва қонун ижодкорлиги» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.
- Утган кун Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини муҳокама қилди.
- Ўзбекистонда Италия ишлаб чиқариш фаолияти ва зирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар идораси раҳбари Адольфо Урсо бошчилигидаги делегацияси меҳмон бўлиб турибди. **Бугун** Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Италия ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.
- **Бугун** Ўзбекистон Почта ва коммуникациялар агентлиги ҳамда НАТОнинг фан ва аэрофотомўхит ишлари бўйича департаменти ҳамкорлигида «Қўёш — шамоллатиш гуҳрид тизимларидан самарали фойдаланиш» мавзусидаги уч кунлик халқаро анжуман ўз ишینی бошлади.
- **Бугун** республика Солиқ ва божхона органлари академиясида «Иқтисодий эркинлаштириш шароитида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги илмий-амалий конференция ўз ишینی давом эттирди.
- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тилшунослик масалаларига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.
- **Кеча** Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат юридик институти томонидан «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.
- Пойтахтимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Marvel Trading» компаниясининг «Тир-Тор» савдо белгиси билан ҳамкорликда Қарияларни кадрлар йўлига бағишланган тадбир ўтказди.
- Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида Япония ҳукумати томонидан ажратилган 4 миллион АҚШ доллариға тенг грант лойиҳаси ижросининг якуниға бағишланган маросим бўлиб ўтди.
- **Бугун** Рус маданияти маркази, адабиёт бирлашмаси Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси қўллаб-қувватлаши билан тошкентлик шоирларнинг энг яхши асарлари киритилган янги тўпламининг тақдимот маросими ўтказди.
- **Эртаға ва иқинда** Тошкентда нефть ва газ бўйича «OGU-2002» олтинчи халқаро кўргазмаси ўтказилди. У ITE Group Psc халқаро компанияси ва Ўзбекистоннинг Itesa «Osio» компанияси томонидан уюштирилмоқда. Кўргазма-ни мамлакатимиз ҳукумати ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси қўллаб-қувватламоқда.
- **Эртаға** Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивали бошланди.
- Тошкентда метрология, стандартлаш, сертификация ва сифатни бошқариш мутахассислари иштирокида «Ўздав-стандарт» маркази ташаббуси билан ташкил этилган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.
- Фарғонадаги «Истиклол» теннис мажмуида халқаро Челенжер турнири ниҳоясига етди.

Жаҳонда

- Вашингтонда Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг навбатдаги йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Америка ишбилармон доиралари вакиллари иқтисодийни ислох қилишининг ўзбек моделини юксак баҳоладилар. Ўзбекистон ҳукумати ва АҚШнинг савдо ва ривожланиш агентлиги ўртасида меморандум имзоланди.
- АҚШнинг савдо ва тараққиёт агентлиги (СТА) Ўзбекистонда темир йўл, аэропорт технологиялари ва сув захира-лари, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес соҳалари ривож бўйича турли лойиҳаларни амалға ошириш учун салкам 25 миллион доллар миқдорида етти та грант ажратишға қарор қилди.
- **Бугун** АҚШ Президентини Жорж Бушнинг Европа мамлакатлари бўйлаб ташрифи бошланди. У Германия, Франция, Италия ва Россияға боради. Жорж Бушнинг Москваға ташрифи пайтида Россия ва АҚШ раҳбарларининг стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги шартномани имзолashi ҳам режалаштирилган.
- АҚШ сенати конгресси НАТОға янги аъзолар қабул қилиш эвазига альянсини кенгайтириш бўйича қонун лойиҳасини қўриб чиқди ва кўпчилик овоз билан уни маъқуллади. НАТОға аъзо давлатларға харбий ёрдам сифатида 55 миллион доллар молиявий кўмак ажратиш ҳам янги лойиҳада кўзда тутилган.
- **Бугун** 82 ёшли Рим Папаси Иоанн Павел II Озарбайжон пойтахти Бokuға келди.
- Американинг 50 кишилик инструкторлар гуруҳи Грузия аскарларини Панкис даласида бўлажак операцияларға тайёрлаш мақсатида Тбилисига келдилар.
- АҚШ вице-президенти Дик Чейни 2-телеканал орқали чиқишда, мамлакатта қарши янги террор хуружи бўлиши мумкинлигини айтди. Террор вафси бугун ёки эртаға, ёки бир йилдан сўнг бўлиши мумкин. Чейни, биз доимо унга қарши тайёр турмоғимиз керак, деди Чейни.
- Буюк Британия махфий хизмати вакиллари террорчи Усома бин Ладининг АҚШға уюштириши эхтимол тути-лаётган террорчилик ҳужумларини ўрганмоқда. Мамлакат ташқи сисъат мақамаси расмий вакилларининг таъкид-лашича, бунға қуни кеч тапилган видеотасмадаги ёзув сабаб бўлган. Унда террорчи «муқаддас уруш» лойиҳаси-ни муҳокама қилаётгани тасвирға туширилган.
- **Бугун** Бишкекда Қирғизистон Хафсизлик кенгаши-нинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатдаги ижтимо-ий-сисъий вазиятни барқарорлаштириш тўғрисидаги ма-сала қўриб чиқилди.
- Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда АСЕАНға аъзо мамлакатлар ички ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтмоқда. Бу ерда жануби-шарқий Осиё минтақа-сининг ўндан ортик давлатидан келган вакиллар поли-ция, божхона ва муҳожирик хизмат идоралари ўрта-сида ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш масаласини муҳокама этмоқда.
- Покистон Афғонистон чегарасига яқин жойға саккиз минглик қўшин жойлаштирди. У Покистон ҳудудиға яши-ринча киришға уринаётган «Ал-Қодала» ва «Толибон» жан-гарилари йўлиға тўсиқ бўлиши керак.
- Исроилнинг Натаня шаҳрида оз берган портлаш ту-фуайли 3 нафар киши ҳалок бўлиб, 40 дан ортиқроқ одам жароҳатланди.
- **Кеча** Жанубий Сахалинда федерал чегара хизмати Тинч океани минтақавий бошқармаси бошлигининг ўрин-босари хаятиға суиқасд қилинди. Жиноятчилар унинг хо-надониға ичига ўт олдирадиган модала тўлдирилган шиша идишини улоқтирганлар.
- Хиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатлари чегара-ларига тўпланган Хиндистон ва Покистон қўшинлари ўрта-сида отишма бўлиб ўтди.
- Хиндистон — Покистон муносабатлари кескинлашмоқ-да. Покистоннинг стратегик заҳира кучлари Хиндистон чегараларига яқинлаштирилмоқда. Артиллерия ва мино-мётлар қўлланган холда отишмалар бўлмоқда.
- Кик-бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Греция-да бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Чемпионатда рингта чиққан Ўзбекистоннинг етти нафар кик-боксчисида олти нафари олтин, кумуш ва бронза медалларининг соҳиблари бўлишди.
- Бетховеннинг тўққизинчи симфонияси партитурасини асл нусхаси Лондондаги Sotheby's кимосиди савдо-сида 1,3 миллион фунт (1,8 миллион доллар)ға сотилди. Бу Бетховен кўлемлари савдосида рекорд кўрсатиқди.
- Буюк Британия харбий ҳаво кучлариға қарашли «Topnado» қирувчи самолёти мамлакатнинг шимоли-шарқ-ий қисмидаги харбий машқлар пайтида ҳалокатға учради.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

КўРГАЗМАЛАР

«Экспо Италия - 2002»

«ЎзэкспоМарказ» савдо-кўргазмалар марказида Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Интерэкспо» компанияси ҳамкорлигида «Экспо Италия - 2002» замонавий технологиялар, жиҳозлар ва тайёр маҳсулотлар кўргазмаси очилди. 24 майға давом этадиган ушбу кўргазма пойтахтимизда учинчи бор ўтказилмоқда.

Кўргазмаи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги раҳбари Хасан Исомхўжаев очиб, анбанаға ай-ланиб қолган ушбу тадбир икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустақамлаб, шериклар билан шартномалар тузишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъ-кидлади.

Шуниси эътиборлики, кўргазманинг очил-ши маросимида мамлакатимизға ташриф буюрган Италия ишлаб чиқариш фаолияти ва зирлиги ташқи иқтисодий алоқалар идорасининг раҳбари Адольфо Урсо бошчили-гидаги делегация аъзолари ҳам иштирок этишди.

Кўргазмаға кичик ва ўрта бизнес билан шугулланувчи италиялик тадбиркорлар кенгрок жалб этилган бўлиб, уларнинг ўз маҳсулотларини атрофлича намойиш этиш-лари учун шароитлар яратилди. Шу билан бирға юртимиз тадбиркорлари учун ҳам Италия саноатининг турли соҳа вакиллари билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнат-иш имконияти туғдирилди.

Кўргазмани айланар экансиз, Италия та-дбиркорлари томонидан тайёрланган саноат-нинг турли соҳаларида қўлланиладиган ус-куна ва жиҳозларни учратасиз. Улар жум-ласига тўқимачилик саноати ва тайёр кий-имлар тикиш, чарм саноати ва оёқ кийим-ларини тайёрлаш, кишлоқ ҳўжалик маҳсу-лотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ускуналари ва бошқаларни кирит-иш мумкин.

Хар галликдек бу сафарги кўргазмада ҳам тўқимачилик саноатиға алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг боиси шундаки, бир то-мондан Ўзбекистон жаҳонда пахта ва ипак бўйича йирик ишлаб чиқарувчилардан са-налса, иккинчи томондан Италия бу соҳада ўзи-нинг замонавий технологиялари билан машхур-дир. Шунингдек кўргазмада хиз-мат кўрсатиш со-ҳасига ҳам ало-ҳида эътибор қаратилди, яъни меҳмонхона ва ресторанлар учун жиҳозларға кенг ўрин ажра-тилди. Болалар учун тайёрлан-ган маҳсулотлар ҳам кўпчилик-нинг эътибори-ни тортмоқда.



Кўпчилик Ўзбекистон бозорининг оддий эмасли-гини таъкидлайди, — дейди «Интерэк-спо» компанияси президенти жаноб Лунджи Ремиджо. — Бу ҳақиқат. Бунға биз ушбу давлатда-ги ўзимизнинг 10 йиллик иш фаолият-тизмизда амин бўл-дик. Шуниси ало-ҳида таъкидлашимиз лозимки, ўтказила-ётган ушбу кўргаз-малар ҳар икки томонға ҳам катта фойда кел-тиришиға, иқтисодий ривожига муҳим хисса қўшишиға ишонамиз. Мақсадимиз фақатни-га ускуна ва жиҳозларни сотиш эмас, балки ҳамкорликда меҳнат қилиш, унинг самарасидан биргаликда баҳраманд бўлишидир. — Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган кўргаз-мада биринчи бор иштирок этаёмиз, — дей-ди Италиядаги «Сиссо» фирмасининг ваки-ли Уго Соленьяна. — 50 йилдан буён фао-лият кўрсатаётган фирмамизда асосан бола-лар учун ўйинчоқ ва ускуналар, аёллар кос-метикаси ҳамда тиббиёт ашёлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимиз кўргазмаға ташриф буюраётган ҳамюртлариниғизда катта қизиқиш уйғотганидан беҳад мамнунмиз. Уйлаймики, бу ерда ўзимизға ишончли ҳам-корлар топамиз.

Шунингдек, кўргазма давомида ўзбек ва Италия ишбилармонлари вакиллари ишти-рокда бизнес семинар ҳам бўлиб ўтди. Се-минарда Италия ишлаб чиқариш фаолияти ва зирлиги ташқи иқтисодий алоқалар идорасининг раҳбари Адольфо Урсо сўзға чи-қиб, иштирокчиларға икки томонлама сав-до-иқтисодий ҳамкорликнинг келгуси истиқ-боллари ҳақида маълумот берди. Ўз навба-тида Ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳам республи-када кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини, бу соҳада ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида маълумотлар беришди.

Албатта, тўрт кун давом этадиган ушбу кўргаз-ма хар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкор-ликнинг яна бир ёркин кўриниши бўлади.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан ўрин олган маҳсулотлар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ҚИСҚА САТРАРДА

□ **РЕСПУБЛИКА** Маънавият ва маърифат марказида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Маънавият — баркамол авлод» деб номланди.

□ **ТОШКЕНТ** қурилиш ва миллий ҳўнармандчилик коллежида «Репродуктив сало-матлик — соғлом турмуш тар-зи» мавзусидаги илмий-услу-бий семинар Республика «Со-ғлом авлод» жамғармаси та-шаббуси билан уюштирилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциациясида пластик кар-точкалар билан ишлаш маса-ласига бағишланган ўтказил-ган семинарда Банк молия академиясининг ўқитувчилари иштирок этишди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманидаги бошланғич таълим марказида туман халқ таъли-ми бўлими ташаббуси билан фахрий педагоглар иштиро-кида Қарияларни кадрлаш йилиға бағишланган тадбир ўтказилди.

□ **ШУНИНГДЕК** Юнусо-бод туманидаги «Нуроний-лар» оромгоҳида дам олаёт-ган отахонлар онахонлар ишти-рокида туман ҳокимлиги, «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод туман кенгаши ҳамкорликлари-да бўлиб ўтган «Икки авлод учрашуви» мавзусидаги тадбир ва концерт томошаси ҳам Қарияларни кадрлаш йили му-носабати билан уюштирилди.

□ **ЯККАСАРОЙ** туманида-ги Мўминий номи маҳалла-да эса фахрийлар иштироки-да ўтган тадбир байрамға ай-ланган кетди. Унда тадбир қат-нашчиларига тансиқ таом — ҳалим тортилди.

□ **МИРЗО** Улуғбек номи-даги Ўзбекистон миллий уни-верситетида шаҳримиздаги Фаол аёллар иштирокида «Аёл — она, мураббий ва раҳ-бар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ **«КОСАН»** жамғармаси-да эколог олимлар иштироки-да ўтказилган анжуман «Чи-қиндилар ва барқарор ривож-ланиш муаммолари» деб ном-ланди.

□ **КАФОЛАТ** давлат ак-циядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар бўлими та-шаббуси билан бўлиб ўтган анжуман «Сўғурта фаолияти тўғрисида»ги Республика Ко-нуни асосида бу борадаги ишларни янада ривожланти-риш масаласига бағишланди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетиде «Маънавият — баркамол авлод таъни» мавзусидаги ан-жуман ўтказилди.

УНИВЕРСИЯДА — 2002

26 май — 1 июнь кунлари Бухорода олий ўқув юртлири талабалари ўртасида универ-сиада мусобақалари бўлиб ўтади. Унда республикамиз-нинг барча вилоятларидан ташриф буюрган талабалар терма жамоалари футбол, баскетбол, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол тенни-си, дзюдо, кураш ва белбоғи кураш, гандбол, шахмат,

САНОАТ

Ҳамкорлик самараси

Меҳнат унвдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш жойларини ташкил қилиш борасида «Тошкент трактор заводи» давлат хиссасдорлик жамиятида кейинги пайларда бир қанча ишлар амалға оширилмоқда.

Хитой давлати билан тузилган шартномаға муво-фиқ қорхонада жорий йил-нинг сентябрь ойи охири-ға босқичма-босқич 650 дона кичик тракторларни йиғиш мўлжалланган. Бар-ча бутловчи қисм ва де-таллар Хитойдан келтири-лади.

Заводнинг кабина ишлаб чиқариш қорхонасида кичик тракторлар учун культува-тор, ўғит селгич ва ўрнатма асбоблар тайёрлаш устида қизгин иш олиб борилмоқ-да. Ўрнатма ускунанинг 20 дан кўпроқ деталлари лазер дастгоҳида кесилган, тирка-малар ишлаб чиқариш қор-хонасиға жўнатилиб ўша ерда йиғилди. Ўт ўргич ус-кунасининг асосий деталла-ри ҳам лазер дастгоҳида кесилиб, шу ернинг ўзида

йиғишға барча асбоблар шай қилиб қўйилган. Трактор кабинасининг замонавий ва рақобатбар-дош бўлиши устида ҳам муҳандислар ўзи олиб бор-моқдалар. Бундан буён кон-вейерда йиғилаётган «ТТЗ—60 ва ТТЗ—80» тра-кторлари кабинасига қулдон ҳам ўрнатилади.

Янги ускуналарнинг де-талларини лазер дастури-ға киритишда техника бош-қармаси қолиплаш шўъба-сининг ходимлари фидойи-лик кўрсатишмоқда. Шу-нингдек, кичик тракторлар учун мўлжалланган бир тон-нағача юк кўтарувчи «Кич-кинтой» ярим тиркамасини тиркамалар ишлаб чиқариш қорхонасида ишлаб чиқари-иш йўлиға қўйилди.

Хусан БАРОТОВ

ЯПОНИЯ ГРАНТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон амалий санъат музейида Япо-ниянинг музейға тақдим этган грантининг тақ-димоти бўлиб ўтди. Ушбу грантни Япония ма-даният фонди ажратди. Музей экспозицияси-да турли жиҳозлар ва замонавий аудио ва ви-деоаппаратлар ўрин олган.

Тадбирда ЮНЕСКО-нинг Ўзбекистондаги ва-кили жаноб Барилдин иштирок этди. Япония-нинг Ўзбекистондаги эл-чихонасининг махсус маслаҳатчиси Имаҳаси Хирокуи сўзға чиқиб, элчи К.Накаманиннг таб-ригини топширди.

Тақдим этилган му-зей анжомлари, аудио ва видеотехникалар музей экспонатларини янада мукамал тарзда томо-шабинға кўрсатишда катта ёрдам беради. Теле-визор экранларида Ўзбе-кистон халқ амалий санъати ҳақида ҳўжжат-ли фильмларни томоша қилиш имконияти яра-тилди, — дейди музей ди-

ректори Т.Дўстаев мада-ний грант топширилгани-дан мамнуллигини изҳор қилиб.

Шунингдек маросимда давлатимиз томонидан му-зейларға катта эътибор қаратилаётгани, музей — бу мוזийхона, авлоддан-авлодға ўтиб келаётган но-дир буюмларни сақлай-диган, уларни намойиш этадиган, халққа эстетик завқ бағишлайдиган, санъ-ахларни Ўзбекистон фа-олияти билан яқиндан таниш-тирадиган маданият маскан эканлиги ҳақида ҳам фикр билдирилди.

Ушбу тадбир икки дав-лат ўртасидаги дўстлик на-мунасига айланди.

Азиза ИЛҲОМОВА

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

БУ ЕРДА ҲАР КУНИ БАҲОР

Шаҳримизда шундай бир маскан борки, у ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам ба-ҳорий кўркамлик, гўзаллик, чаманзор ҳукмрон. У ерда яшнов турган гулу чечак-ларни кўриб, эндиғана бўй оцаётган ниҳоллардан завқланиб, кўм-кўк майса-ларни сийпалаб баҳри-динингиз очилиши шубҳасиз.

Ушбу маскан кўп йиллар-дан буён шаҳримиз чирой-дан, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларига, хонадонларға кўрк бағишлашға муносиб хисса қўшиб келаётган ман-зарали бордорчилик ва гул-чилик давлат ҳўжалигидир. Айни дамда ҳўжаликда 400 нафардан зиёд уста бобго-ну нозик дидли гулчилар сидқидилдан меҳнат қилиш-лари эвазига етиштирила-ётган турфа гуллар, хилма-хил дарахт кўчатлари пой-тахтимизда боғу гулзорлар яратишда муҳим ўрин ту-тмоқда.

— Албатта, ҳар бир соҳа ходими ўз вазифасини си-дқидилдан адо этса, эл-юр-

тимиз ривожига муносиб хисса қўшган бўлади, — дей-ди ҳўжалик раҳбари Абдула-зиз Мўхримов. — Ана шуни сидқидилдан ҳис этган ҳўжа-лигимиз ишчи-хизматчилари аниқ мақсадни кўзлаган холда меҳнат қилишяпти. Шундан фахрланамизки, жо-наҳон шаҳримизни кўкалам-зорлаштиришда, гулзорлар, мевазор боғлар яратишда му-носиб улуғимиз бор. Бай-рамларда майдон ҳиёбонла-рини безашда жамоамизда етиштирилган энг сара гул-лардан фойдаланилади. Ал-батта, жорий йилнинг ўзиға хос хусусияти шундан ибор-ратки, шаҳар ҳокимлиги та-шаббуси билан «Тошкентни гуллар шаҳриға айлантира-

миз» деган махсус дастур ре-жаси ишлаб чиқилди. Унга асосан пойтахтимиз туманла-ридаги шоҳқўча, майдонлар, шунингдек ҳар бир қорхона, ташкилот, муассаса, ўқув юр-тлири, боғчалар ҳовлиси ва ён-атрофлариға турфа гуллар ўтказилмоқда. Баҳор бошла-ниши билан барча ушбу дас-турни бажаришға қизгин ки-риши ва бу ўз ишимизға нисбатан маъсулиятни янада кучайтирди. Бугунги кунда барча саъй-ҳаракатларимиз шунға қаратилган.

Ҳўжаликда гул ҳамда дарахт кўчатларининг турлари йил-дан йилға ортиб бормоқда. Жорий йилда ўтган йилға нисбатан 2,5 баравар кўп — 2 миллион дона гул кўчатлари

етиштирилди. Уларнинг тур-лари 25 хилдан ортиқдир. Атиргулнинг турфа хиллари, целлозия, тегатис, гултожи-ҳўроз, сеткреазия ва бошқа кўп йиллик ҳамда бир йиллик гул турлари меҳр билан пар-вариланмоқда, буюртмачи-ларға эса ўз вақтида етказиб берилмоқда. Кўкаламзорлаш-тириш ишларини амалға ошириш учун 70 минг тупа яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари парвариши йўлиға қўйилган. Айниқса, яшил майса-кўк ўтлар тайёр-лашға ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Иссиқхоналар-ға кирсангиз, нафис ва гўзал гулларнинг яшнов турганидан кўнглингиз қувончға тўлади. Шунингдек, хонаки гулларни етиштиришда хорж мамла-катлари билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлиға қўйилганининг гувоҳи бўласиз. Чунки тувак-




лардаги бир-бирдан гўзал гуллар ажиб таровати билан кўзингизни қувнатади, ди-лингизни яйратади. Ана шун-да, ушбу гулу чаманнинг яш-натувици бобгону гулчилари Жаҳонгир Исмомов, Равшан Илхомов, Баҳодир Абдукарим-ов, Хасан Сайдақбаров, Зо-кир Умаровларнинг меҳнатла-риға тасаннолар айтасиз.


Чинданға юртимизда гул-лар кўп, чаманлар кўп, боғу-роғлар мўл. Шунинг учун ҳам

унини жаннатға қийслаймиз. Пойтахтимиздаги ушбу гўзал маскан ҳам ана шун-дай чаманлардан бири, не-гаки бу ерда ҳаммаша баҳор, гўзаллик чирой очади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: (чапдан) гул-чилар Шаҳноза Мўмино-ва, Сайёра Шерматова, Дилафрўз Зокирова гул-ларни меҳр билан парва-ришлаши билишди.



ШАҲРИМИЗ
ТАРИХИНИ
ЎРГАНАМИЗ



Тошкент асрлар давомида Марказий Осиёнинг сийёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлиб келган. Шаҳар муҳим географик ўринда — Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотик йўлида жойлашганлиги туфайли бу ерга ҳар йили юзлаб-минглаб савдо карванлари келиб турган. Бу эса ўз навбатида Тошкентнинг етти иқлим мамлакатлари билан туташган масканга айланганида муҳим аҳамият касб этган.

Тошкентнинг биринчи рамзий дарвозаси

Ана шундай бир пайтда шаҳар худудини кенгайтириш, ободончилик ишларини амалга ошириш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда ташқи хавф-хатардан аҳолини ҳимоя қилиш учун шаҳар мудофасига асосий эътибор қаратилган. Шу мақсадда Тошкент шаҳри атрофи баланд (10-14 метр) ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Тарихий манбаларда ёзилишича, XIX асрнинг ўрталарида шаҳар атрофи деворининг умумий айлана узунлиги 14 километрга етган ва шу деворнинг муайян жойларида дарвозалар қўрилган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 60-70 йилларида Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлиб, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Тахтапұл, Лабзак, Қорасарой, Сағбон, Чигатои, Кўкча, Қўймас, Қўқон, Қашқар деб номланган дарвозалари орқали ташқаридан шаҳарга кирилган ва чиққилган. Дарвозаларнинг деярли ҳаммаси узоқ мамлакатларга, қўшни шаҳарларга ҳамда Тошкент ташқарисидидаги дала мавзеларига олиб борадиган катта йўллар устига қўрилган.

Тошкентнинг ўн икки дарвозасидан бири — Самарқанд дарвозаси Самарқанд шаҳри томон чиқадиган карвон йўлининг бошида қўрилган учун ҳам шу ном билан аталган ва у ҳозирги чойхона ёнида Термиз тор кўча устига қўрилган. Самарқанд дарвозаси деворининг ости (пойдевори)га қалин қилиб қамиш қўйилган ва шунинг натижасида паҳса деворга нам ўтмаган ва девор асрлар давомида яхши сақланган. Самарқанд дарвоза паҳса девори тўрт бурчак хом гиштдан қўрилган бўлиб, қалинлиги 4,5 метр, баландлиги эса 6-7 метрни ташкил этган. Дарвоза қаттиқ ва мустаҳкам ёғочдан ясалиб, сиртига тунука қопланган. Дарвозанинг бир жуфт темир халқаси ва номи ёзилган калити ҳам бўлган. Дарвозани мудофаа қилиш шу мақсадда яшовчи аҳоли зиммасида бўлган. Дарвозадан шаҳарга кирувчи ва чикувчи от-арава ҳамда юк ортилган туяли кишиларни қайди қилиб турувчи назоратчи-закотчи бўлиб, кирувчилардан закот олиб турган. Шаҳарнинг бошқа дарвозалари қатори Самарқанд дарвозаси ҳам ҳар кун қоронғи тушиши билан ёпилган, эрталаб тонг саҳарда очилган. Дарвозани берухсат очишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Фақат фавқулодда ҳолис бўлиб қолса шаҳар ҳокимининг махсус фармойиши билан очишга рухсат этилган. Самарқанд ва Бухоро томонларга олиб борувчи йирик сав-

ган. XIX асрнинг охирида шаҳарнинг 12 дарвозаси қаторида Самарқанд дарвозаси ҳам Чориз мустамлакачилари томонидан «кераксиз» деб бузиб ташланган. Гарчи дарвоза ва унинг девори бузиб ташланган бўлсада, Самарқанд дарвоза номи бутунлай, ном-нишонсиз йўқолиб кетмади. Унинг номи билан аталиб келинаётган маҳалла ва кўча бугунги кунгача мавжуд. Тарихий Самарқанд дарвоза маҳалласидан кўлаб мутафаккирлар, маърифатпарварлар, олимлар, санъаткорлар, маданият ҳолимлари, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиққан. Бугунги кунда маҳалла худудида кўркам ва чиройли замонавий турар жой биноларидан ташқари қадимий, тарихий, мезморий бинолар, жумладан Нуриддин ибн Саид Муҳаммад Хўжа макбараси ҳам сақланиб қолган ва ҳозир у давлатимиз томонидан муҳофизат қилинмоқда. Макбара эшигига «Хўжа Нуриддин Саид Муҳаммад Хўжа ўғли Тошкандий, вафоти 917/1511 йил» деб ёзилган.

Мустақиллик туфайли қадимий қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Жумладан: «Самарқанд дарвоза» маҳалласининг марказий қисмида Тошкент шаҳрининг қадимий 12 дарвозасидан бири бўлган «Самарқанд дарвозаси» гузарига баҳор, ёз ва кўз мавсумларида Наврўз байрами, айниқса қорун сайиллари, дор ўйинлари ва бошқа қизиқарли, мазмунли ва фойдали тадбирлар ўтказилиб тури-


ларвозанинг қурилишида «Олимп» кўшма корхонасининг ёрдами катта бўлди. Улар бу улкан қурилишга 80 тонна металл конструкция, қурилиш материаллари етказиб бердилар. Бу хайрли ишда маҳалла аҳли ҳам қараб тургани йўқ. Рамзон Мусоев, Толиб Ҳақимов ва бошқалар ўз маблағлари ва меҳнат кучлари билан доимо мадалкор бўлиб туридилар. Бу салобатли ва мустаҳкам дарвозани қуришда Хива-

нинг таниқли кўли гул бинокор устаси Бозорбой Рўзиматов бошлиқ Ботир Рўзиматов, Ортиқ Абдуша-рипов, Эркин Матниёзовларнинг хизматлари айниқса салмоқлидир. Янги қал ростлаган Самарқанд дарвоза олдинги дарвоза ўрнидан 40 метр чамаси нарида тикланди. Бу дарвозанинг баландлиги 21 метр, эни 27 метр, транспорт ҳаракат қиладиган қисми 12 метр бўлиб, икки ёнида йўловчилар учун 4 метрлик йўлаклар ҳам бор. Самарқанд дарвозасининг рамзий тикланиши кўп эзгу ишларга дебеча бўлмоқда, — дейди Самарқанд дарвозани қуришда бош-қош бўлган маҳалла фаолларидан бири Абдухалил Ҳожи ота Набиев.

Мустақиллик йилларида «Самарқанд дарвоза» маҳалласининг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бу ерда янги замонавий турар жой бинолари, маиший хизмат корхоналари қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозир маҳалла худудида мактаб, боғча, масжид, бозорча, баққолик ва қассоблик ва бошқа дўконлар, чойхона, ошхона, новвойхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, тиш даволаш хонаси беш ярим минг аҳолиси бўлган 675 хонадон хизматиди. Маҳалла хонадонлари газлаштирилган, электрлаштирилган, телефон алоқалари ўрнатилган. Маҳалла оқсоқоли Абдубосит ака Миррасулов бошлиқ Абдухалил Ҳожи ота Набиев, Турсунбой ота Тургунов, Нурулла ака Тўдаганов, Мансурхўжа Мирзаев, Шавкат Алиев каби маҳалла фаоллари ободончилик ишларини амалга ошириш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Наврўз байрами, сайиллар, тўй ва маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда бош-қош бўлмоқдалар.

Президентимиз пойтахтимизнинг Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларининг очилиши маросимида бўлиб, нуруний отахонларга қадимда мавжуд бўлган Тошкентнинг ўн икки дарвозасини рамзий маънода бўлсада тиклаш зарурлигини, бу келажакда фарзандларимиз учун эсдалик бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган эдилар. Бинобарин, мустақиллик шарофати билан пойтахтимиз дарвозаларини тиклаш борасида хайрли қадамлар қўйилди. Самарқанд дарвоза кўчасида Самарқанд дарвозасининг шарқона арки бунёд этилди. Бу борадаги ишларни янада давом эттириш зарурлигини Юртбошимиз уқтирганликлариди ҳам катта маъно борлигини ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
тарихчи олим.



ХОТИРА ЙЎНОНСА ҒАЗАЛДИР

УМР МАЗМУНИ

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни, ўз йўриги, қадр-қиммати ва ўзига яраша обрў-эътибори бўлади. Уларнинг бари сабр-тоқат, тинимсиз меҳнат ва интилишлар эвазига келади. Қадим-қадимдан Шарқда меҳнатга муносабат энг муҳим омил сифатида тан олинган. Чунки инсон қандай касбда бўлмасин ўз фаолияти орқали эл-юртга наф келтиради.

Бугун мамлакатимизда ўқитувчи ва олимнинг ҳурматига, имтиёзи ва имкониятларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқитувчилар ва мураббийлар кучи оммавий дам олиш кунини, деб эълон қилинган. Муаллимга бундай ҳурмат ҳақонинг бошқа бирор мамлакатда ҳам йўқ.

Минг афсуски, таълим-тарбия жараёнида бўлган бу даражадаги эътиборни собиқ кўзун даврида яшаб иход тузган кўлаб олимлар кўрмади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган захматқаш олим — Рашид Қодиров ҳам бу бахтиёр кунларни кўрмай оламдан ўтди. Лекин у қийин даврда яшаган

бўлса-да, ҳаётини илм-фанга бахшида этди. Бу қалби дари инсон 1912 йилда Тошкент азиятининг «Хастимом» маҳалласида дунёга келди. Унинг ота-онаси меҳнатқаш, меҳрибон, иймон-эътиқодли ва илмга ташна одамлар эди. Ёш йигитча ўқувчилик давридан кимё фанини яхши кўрар ва мактабни тугатиб, кимёгар олим бўлишни орзу қилар, тинимай китоблар мутлола қилар эди. Ниҳоят унинг орбиқ тузган даврида яшаб иход қилган кўлаб олимлар кўрмади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган захматқаш олим — Рашид Қодиров ҳам бу бахтиёр кунларни кўрмай оламдан ўтди. Лекин у қийин даврда яшаган

1936 йилда Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети) кимё факультетини тамомлаган ёш ходимни аспирантурада олиб қолишди. Яна му-

толаа, тинимсиз изланишлар давом этди. Уктамгина бу йигит қийинчиликларни енгишга ўзида куч топди, не-не минбарларда туриб, ўзи севган мавзуда маърузалар қилиб, устозлар меҳрига сазовор бўлди. Вақти етиб узок кутилган кун ҳам келди. Ёш олим физикавий кимёнинг долзарб соҳаси бўлмиш «Турли тизимлардаги фазолар мувозанати» мавзусида фан номзодлиги диссертациясини ёқлади.

Кутилмаганда бошланиб қолган уруш унинг янада юксакликка интилаётган ҳаёларини чилпарин қилиб юборди. Юрагига ўти бор йигит бошлаб қўйган илмий ишларини бир томонга қўйиб,

фронгга отланди. Ҳарбий хизматни кимёвий ҳужум ва мудофаа билан шуғулланувчи махсус завода бошлади. Сўнг ротага командирлик қилди. Рашид Қодиров Курок ёйида каттик яраланди. Бўлиб ўтган дахшатли урушнинг ҳамма захматларини ўз кўзлари билан кўрди. Контузияга ҳам учради. Қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Тинч дунёни ларзага солиб, 50 миллиондан кўпроқ одамларнинг ёстигини қуритган қиргинбарот уруш ҳам тугади. Она юртига қайтиб келган Рашид Қодиров Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаб бошлади. У яна «Игна билан қудук қазिश»га киришди.

Ҳаёт сирини ойналарга, кутилмаган тасодифларга ва мўъжизаларга бой. Инсонга бахт кутилмаганда келади. Уни ушлаб қолиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

1948 йили Рашид Қодировни Низомий номида Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Низомий номида Тошкент Давлат

педагогика университети) кимё кафедраси мудириликка таъин қилинди. Ёш олимнинг икхиланмай бу тақдирини қабул қилгани унинг бахти бўлди. У бу кафедранинг 40 йил бошқарди. Олимнинг энг гайратли йиллари шу масканда ўтди. Республикаимизга ҳар хил тоифадаги кимёгарларни тайёрлади. Нуфузли журналларда 100 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди, профессор унвонига сазовор бўлди. Унинг бевоисита раҳбарлигида 10 га яқин фан номзодлари етишиб чиқди. Бугун эса уларнинг 4 нафари фан доктори илмий даражасига эришган.

Профессорнинг барча яхши хислатлари тўғрисида бугун ҳам кафедра йиғинларида кўп гапирилади. «Домламмиз бир сўзли, қалби кенг, ниҳоятда адолатпарвар инсон эди, — дея эслайди шоғирди, фан доктори Ҳожиқул Омонов. — Истеъдодли ёшларни ҳамма кўлаб-қувватлар, керак пайтда уларни ҳимоя қилар, хато қилганларга танбеҳ бериб қўярди. У зукко олим бўлиши билан бирга чина-

НАЗМ ГУЛШАНИ

ҲАЁТГА ИМИЗ ЗИЁСИ

Қариларда ҳикмат кўп,
Ҳаёт берган хислат кўп.
Дилда мерос ҳиммати —
Неваралар зийнати.

Қариси бор хонадон
Файза тўла ҳар қачон.
Сўзлари бол — ширали.
Гаплари зўр маъноли.

Тилаклари тоғдайин.
Орзулари боғдайин.
Бошингизга кун тугсин,
Дерлар, бахтингиз кулсин.

Омон бўлсин боболар,
Юза кирсин момолар.
Бизни мактаб ўстирар,
Роса алақб ўстирар.

Меҳрдан қайнаб чиққан,
Юракдан яйраб чиққан.
Қариялар дуоли,
Ҳаётимиз зиёси.

Қамбар ОТА

ТАДБИРЛАР

Кўнгуллар шоа бўлади

Пойтахтимизнинг гавҳар гушаларидан бири «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида республикамизнинг турли вилоятларидан келган талабалар истиқомат қилинади. Уларнинг қаринда бўш вақтларини умумий ўтказиш, маданий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида, ҳар жума кунлари шаҳарча ҳокимлиги томонидан «Жума оқшоми» мусикали дастури ташкил этилгани таъхсинга лойиқ.

Дастурлардан ёшлар тарбиясига таъсир қиладиган, даврнинг долзарб масалаларига, миллий урф-одатларимизга оид саҳна кўринишлари, қизиқарли ўйинлар ва албатта кўй-қўшиқлар жой олади. Тадбирда ҳар сафар иқтидорли талабалардан ташқари таниқли санъаткорлар ҳам иштирок этишади. Талабалар иштирокида ўтказилган бу сафарги тадбир сеvimли ёзувчимиз, «Телевизион миниатюралар театри» ва «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувларининг асосчиларидан бири Жамолдин Асомиддинов (Алп Жамол) хотирасига бағишланди.

Жамолдин Асомиддиновнинг ҳаёт йўлини, қанчалик қийинчилик билан бўлсада илм олишга тиришганлигини талабаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун саҳна кўринишлари намойиш этилди. Уларни Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари ижро этишди. Жамолдин Асомиддинов хандалари асосида яратилган миниатюралардан айримларини Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, Роза Каримова билан бирга ижро этишгани тадбирга ўзгача файз қўшди. Мавлудахон Асалхўжаева ижросида янграган қўшиқлар эса талабалар кўнглини шод этди.

Хулқар МАМИТОВА

Ибратли ҲИКОЯТЛАР

Бировнинг ҳақиқа хийнат қилма. Агар хийнат қилсанг, кунини келиб барибир сининг фош бўлади.

ҲИКОЯТ. Замоннинг улуғи Шамсиддин соҳибде-вон бир кун беш юз динор билан бир дастор (салла)ни шайх Саъдийга соғва қилиб юборди. Уни олиб бораётган Хусайн номли киши хомтамалик билан унинг 150 динорини олиб қўйди. Саъдий пул юборувчига қуйидаги қитъани ёзиб юборди:

Эй менга юборган киши шунча мол,
Молнинг кўпайсини, душманинг завол.
Яхши ё ёмоннинг фазлини билурсан,
Яхшилар ҳеч қачон топмағай завол.
Юборган диноринг микдорига сен,
Уч юзу эллик йил доим боқий қол.
Шундан сўнг бир кунини олиб киши соҳибде-воннинг ҳақиқа дуо қилаётганда пулни уриб қолган Хусайн ҳам ҳозир эди. Дам олувчи соҳибде-вонга:
— Уминг беш юз йилга етсин, — деди.
Шунда соҳибде-вон:
— Агар Хусайн юз эллигини берса, — деди.
Хусайн бу сўздан, яъни ўзининг қилмишидан қаттиқ хижолат чекиб, шармисор бўлди.

Оз есанг, кўп яшайсан. Қуйидаги ҳикоят шу ҳақдадир.

Бир табибдан:
— Киши овқатга ўтирганда қанча ейиши керак? — деб сўрадилар.
Табиб:
— Юз дирҳам, — жавоб берди.
— Бунчалик оз овқатдан қанча ҳам куч ҳосил бўларди? — деб сўрадилар.
Табиб уларга:
— Ундан саломатлик учун етарли, тоза куч ҳосил бўлади. Ундан ортиқчаси фойдасиз бўлиб, фақат ҳам-молнинг вазифасининг бажаришинг мумкин, — деди.

Мойдан чироқ учун равшанлик ёрди,
Аммо базан мойдан ўчмоғи бордир.
Қорин тўйдирмоқнинг бўлсанг бандаси,
Жаҳонда чарх уриб, доимо хорсан.
Кўп емоқлик қилсанг ўзинга одат,
Соғлиқ юзин кўрмай доим беморсан.
Мақол. Оз е, кўп яшайсан.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди.
«Бошинга қилич келса-да, ростини дегил», деган боболар ҳикмати бежаз айтилмаган.

ҲИКОЯТ. Қадимий ҳинд ҳакамларининг масалла-рида келтирилишича, бир зийрак тузди бир нодон бўри билан нодонлик режасини туздилар ва садоқат қуйига тушдилар. Улар ўзаро мунофиқлик кўчасига кириб, айлана-айлана бир тоғ этагидаги чиройли боғ ёнидан чиқиб қолдилар. Боғ деворлари баланд-у мустаҳкам ва тикон билан ўралган эди. Уларнинг нафси голиб ва хирслари боққа тушиш истаги-га тўлиб-тошиб, ҳар томонга юрдилар. Киришга жой тополмай, чархфалак каби айланардилар ва ногоҳ бир тешикка кўзлари тушди. Тешик тулки учун бе-малол, бўри учун эса ўтиш қийину маҳол эди. Ингич-ка белли тулки осонгина ўтиб кетди, бўри эса ури-на-урини зўрга мақсадига етди. Улар тешикдан ўтгач, ажиб боғни кўрдилар.

Бир боғки хилма-хил узумга тўла,
Алван мевалар етилиб пишган.

Тулки зийрак бўлгани учун «Киришдан аввал чиқини ўйла» мақоли бўйича иш тутиб, ортиқча емади. Соддадил бўри эса гўлу гофил бўлгани учун топган нарасини катта-кичик демай еверди. Ногоҳ забардаст жуссали боғдон воқеадан огоҳ бўлиб, газа-бидан хайқириб, қалтак кўтарганича уларнинг устига кела бошлади. Ингичка тулки тешикдан осонгина чиқиб кетди. Қорни катта бўри эса тикилиб қолди. Боғдон уни шундай саваладики, бечора тор тешикдан ташқари чиққанда унинг тирик ёки ўлик эканини билиб бўлмади.

Ейишдан ботирлик кўрсатмагин сен,
Бўридек бўлмасин охир қилмишинг.
Молу неъмат билан семирисан хўп,
Ўйлаб кўр, охири не бўлар ишинг.
Катта гавданг билан қандай бўларкин,
Ўлим эшигидан сенинг чиқишинг.

Олимлардан бири таъмагирликнинг юқори дара-жасини таърифлаб айтади:

— Таъмагирлиги билан машҳур бўлган Ашъас номи киши бир кун товоқфуруш ошасининг дўконига келиб ўтирди. Шу вақтда бир одам келиб бир нечта товоқ олмақчи бўлди. Ашъас кўл узатиб, катта товоқларни ажратиб олиб харидори олдиға қўйди ва уни шу товоқларни сотиб олишга далолат қилди. Товоқфуруш Ашъаснинг ишига хайрон бўлиб унга:

— Бу нима қилган ишинг? Харидорни катта товоқ-ларни олишга нега даъват қилсанг? Қўявер, хари-дор ўзи хоҳлаган товоқни сотиб олсин, — деди.

— Бир кун шу одамнинг уйига меҳмон бўлиб бори-шим мумкин. Мана шу сотиб олган катта товоқлардан биттасига ош солиб менга келтиради, шунинг учун буларни сотиб олишга далолат қиламан, — деб жа-воб берди Ашъас.

Олимлардан Исоҳқ Саймоний айтади:
— Бир одамни ўзингизга дўст қилишни истасан-гиз, ҳар ерда кўрган ва эшитганингизни бошқалар-га сўзламанг, одамларни камситманг, таҳқир қилманг. Ёлгончилик ва мунофиқликдан сақланг. Ўзингизни бошқаларга мактаманг. Мутақаббир бўлманг, очик кўнглили, мулойим ва тавозели бўлинг.

БАЙТ:
Қадру илму қилм — кўнгул боғидур,
Ҳирсу бўғзу хийла — қотил захр эзур.